

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ БАХОДИР МАКСУДЖАНОВИЧ

**КУЛОН ТЎСИҒИГА ЯҚИН БЎЛГАН ЭНЕРГИЯЛАРДА ОҒИР
ИОНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ТАЪСИР ДИНАМИКАСИ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Каюмов Баходир Максуджанович

Кулон тўсиғига яқин бўлган энергияларда оғир ионлар ўртасидаги
ўзаро таъсир динамикаси..... 3

Kayumov Bakhodir Maksudjanovich

Dynamics of interaction in heavy ions collisions at the energy near to
Coulomb barrier..... 26

Каюмов Баходир Максуджанович

Динамика взаимодействия в столкновениях тяжелых ионов при
энергиях около кулоновского барьера..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ БАХОДИР МАКСУДЖАНОВИЧ

**КУЛОН ТЎСИҒИГА ЯҚИН БЎЛГАН ЭНЕРГИЯЛАРДА ОҒИР
ИОНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ТАЪСИР ДИНАМИКАСИ**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/FM252 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насиров Авазбек Каримович

физика-математика фанлари доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Артемьев Сергей Викторович

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Олимов Хусниддин Қосимович

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

О.Р.Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф. PhD

И. Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аниқлиги юқори бўлган замонавий экспериментал курилмаларнинг пайдо бўлиши, атом ядроларининг тузилишини ва оғир ионлар тўқнашувидagi реакция механизмларини ўрганиш учун назарий тадқиқотларни ривожлантиришни талаб этмоқда. Экспериментал маълумотларга асосланиб кириш каналининг (бошланғич босқич) кулон тўсиғига яқин ва ундан юқори энергиялардаги реакция маҳсулотларининг ҳосил бўлишини ўрганиш ядроларнинг қўшилиш механизмларини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кириш каналининг таъсирини бир хил таркибий ядро ҳосил қилувчи турли масса асимметриясига эга бўлган снаряд-нишон жуфтлигининг реакциялар маҳсулотларини таҳлил қилиш орқали ўрганиш мумкин. Шу сабабли оғир ионларнинг ўзаро таъсир динамикасини ва массавий тақсимотини тадқиқ қилиш экспериментаторлар ва назарийчилар учун долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Хозирги вақтда бутун дунё бўйлаб оғир ион тезлатгичларига эга тадқиқот марказларида трансурон ва ўта оғир элементларнинг янги изотопларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўтказилаётган тажрибаларда қамраб олиш реакциялари ёрдамида ўта оғир элементларни олишда катта қийинчилик, бу синтез қилиш кесими қийматларининг жуда кичиклиги бўлиб, унинг сабаблари тўқнашувчи ядролар тўла қўшилишидаги мавжуд бўладиган тўсиқнинг катталиги ва/ёки ҳосил бўлган таркибий ядронинг бўлиниб кетишга қарши беқарорлигидир. Бундан ташқари, ядроларнинг тўла қўшилишининг кесимини таркибий ядро бўлинишида ўлчанилган маълумотларга асосланиб баҳолашда ноаниқлик мавжуд, чунки тўла қўшилишга рақобатдош бўлиниш симон реакция канали маҳсулотларининг айрим қисми қўшилиш-бўлиниш жараёни маҳсулотлари сифатида ўлчанилади. Оғир ионлар физикасидаги сўнгги тажрибаларнинг энг қизиқарли натижаларидан бири бу, янги турдаги реакция механизмларининг кашф этилишидир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда оғир ионлар ўртасидаги тўқнашувлар динамикаси, атом ядроларининг бўлиниш механизмларини ўрганиш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотларни ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фундаментал тадқиқотлар мамлакатимиз илм-фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг амалий тадбиғи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон “Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энерготехнакорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан, жумладан, россиялик (G.G. Adamian, N.V. Antonenko, R. V. Jolos, E. M. Kozulin), германиялик (J. Khuyagbaatar, S. Hofmann, W. Scheid), италиялик (G. Fazio, G. Giardina, G. Mandaglio), кореялик (K. Kim, Y. Kim, Yongseok O.), хитойлик (H.Q. Zhang, P. Wen, L. Zhu), америкалик (E. Henry, W.U. Schröder), ҳиндистонлик (M. Thakur, A. Shamlath) ва бошқалар томонидан оғир ионлар ўртасидаги тўқнашувлар динамикасини ўрганиш борасида назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ўзбекистонлик олимлар (В.П.Пикуль, Ю.Н.Коблик, А.К.Насиров, Р.Б.Ташходжаев ва бошқалар) нинг оғир ионлар хусусиятларини, бўлиниш маҳсулотларини, кинетик энергиясини ва реакциянинг бурчак тақсимотларини ўрганиш бўйича кўплаб ишлари мавжуд.

Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Россия) ва Ядро физикаси институти (Ўзбекистон) олимлари томонидан оғир ионлар ўртасидаги реакцияларда назарий ҳисоб ишларида аниқ натижалар олиш учун, қўшалок ядролар тизими модели ишлаб чиқилган. Бошқа моделлар билан таққослаганда қўшалок ядролар тизими моделининг афзалликларидан бири шундаки, бу модель ядро қобикларининг тузилишини тўқнашув жараёнига кўрсатган таъсирини ҳисобга олишга имкон беради. Бундан ташқари Хитойлик олимлар томонидан оғир ядроларни қўшилишини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган феноменологик модел мавжуд бўлиб, унинг параметрлари назарий натижаларни маълум бўлган экспериментал кесимлар ҳақидаги маълумотларга мослаштириш орқали топилади.

Аммо юқорида келтирилган усуллар ядроларнинг қўшилиш механизмлари физикасини тушунтириш учун етарлича маълумот бера олмайди. Бундан ташқари, реакция механизмига кириш каналининг қўшган ҳиссаси ва таркибий ядро ҳосил бўлиш вақтидаги нуклонлар алмашинуви шу кунгача ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг ФА-Ф2-Ф055 "Оғир

ионлар иштрокидаги ядро реакциялар ва ядронинг бўлиниши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг чиқишини тадқиқ қилиш" (2007-2011), ФА-Ф2-Ф115 "Кўп нуклонли алмашилиш реакциялари ва қўшилиш-бўлиниш механизмини илмий тадқиқот қилиш" (2012-2016), ОТ-Ф2-14"Кучли ўзаро таъсирлашувчи квант системаларнинг коллектив ва микроскопик хусусиятларини тадқиқ қилиш" (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич энергия ва орбитал моментнинг ҳар хил қийматлари учун реакция натижасида кузатилган маҳсулотлар чиқиш эҳтимоллигига турли механизмларнинг қўшган ҳиссасини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ядролар тўқнашувида бошланғич ҳолатдаги турли орбитал бурчак моменти ва ядро симметрия ўқи йўналиш бурчаклари учун умумий ўзаро таъсир потенциалини ҳисоблаш;

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакцияларда ҳар хил бошланғич шартлар учун ҳаракат тенгламасини ечиш ва барьер ости қамраш жараёнларининг қўшган ҳиссасини баҳолаш учун тенгламани олиш;

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакциялари учун қўшалок ядро системаси эволюциясининг мувозанатда бўлмаган бошланғич босқичи учун реакция маҳсулотларининг масса ва заряд тақсимотларини ҳисоблаш;

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакциялари учун қўшалок ядро системаси эволюциясида қўшилиш, квазибўлиниш, тез бўлиниш ва буғланиш қолдиқлари учун кесим қийматларини ҳисоблаш;

$^{48}\text{Ti}+^{208}\text{Pb}$ реакцияси учун қўшилиш, квазибўлиниш ва тез бўлиниш маҳсулотларини маасавий тақсимотга қўшган ҳиссасини баҳолаш;

$^{48}\text{Kr}+^{40}\text{Ca}$ реакцияси учун заряд тақсимотининг (чиқиш маҳсулотлари) бурчак моментига боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

$^{48}\text{Kr}+^{40}\text{Ca}$ реакцияси учун чуқур эластик бўлмаган тўқнашув ва квазибўлиниш маҳсулотларининг бурчак тақсимот натижаларини таҳлил қилиш;

энергия ва бурчак моментининг ҳар хил бошланғич қийматлари учун қўшалок ядро системасининг яшаш вақтини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объектини оғир ионлар тўқнашувидаги реакция маҳсулотлари ва уларнинг бурчак тақсимоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини иккита ядро ўртасидаги ўзаро таъсирнинг умумий потенциали, нишон-ядро томонидан снаряд ядросини қамрашида қўшалок ядро системасининг ҳосил бўлиши; ўзаро таъсир қилувчи иккита ядродан қўшалок системанинг эволюцияси, унинг яшаш муддати ва қўшалок ядро системасининг парчаланиши натижасида реакция маҳсулотларининг ҳосил бўлиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кучли ўзаро таъсир феноменологик потенциалининг математик аппарати ва макроскопик статистик механика, дифференциал тенгламаларни ечишнинг аналитик ва сонли усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

энергиянинг потенциал тўсикдан паст қийматлари учун $^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакцияларига камраш кесимининг тўсик ости қийматлари ҳисобланган;

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакцияларининг 2n ва 3n эмиссия каналлари учун буғланиш қолдиғи кесимларида кузатилган экспериментал қийматларидаги катта фарқ сабаблари, ушбу реакцияларнинг ўзаро таъсир потенциаллари ва қўшилиш барьерлари орасидаги фарқ ҳисобига келиб чиқиши кўрсатилган;

$^{78}\text{Kr}(10 \text{ МэВ/нук.})+^{40}\text{Ca}$ реакциясида олд ярим шар қисмида снарядга ўхшаш маҳсулотларнинг кузатилишини, ҳосил бўлган қўшалок ядро системасининг 180° га бурилиб бўлиниш натижасидаги маҳсулотлар сифатида изоҳловчи янги усул таклиф қилинган;

$^{48}\text{Ti}+^{208}\text{Pb}$ реакцияси бўлинишида, квазибўлиниш маҳсулотлари бўлинишга ўхшаш, яъни, қўшилиш-бўлиниш маҳсулотлари масса тақсимоти кенглигининг ошишига сабабчи эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биринчи марта снаряд ядрони нишон ядроси билан камраш вақтида ҳосил бўлган қўшалок ядро система эволюциясининг мувозанатда бўлмаган босқичи учун масса ва заряд тақсимотлари олинган;

биринчи маротаба, олд ярим шар қисмида снарядга ўхшаш маҳсулотларнинг кузатилишини тушунтириш учун янги ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Бунга асосан олд ярим шарда снарядга ўхшаш маҳсулотларнинг чиқиши, катта орбитал моментдаги тўқнашувларда ҳосил бўлган квазибўлиниш маҳсулотлари деб талқин қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ядро ва назарий физиканинг замонавий усуллари, юқори самарали алгоритмлар ва сонли усулларнинг қўлланилиши; олинган назарий натижаларнинг экспериментал маълумотларга ва бошқа муаллифларнинг натижаларига мувофиқлигини синчковлик билан текшириш; ҳулосаларнинг паст энергиядаги ядро реакцияларининг асосий қоидаларига мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Кулон тўсиғига яқин энергияда оғир ион тўқнашувида катта ядроларнинг қўшилиш механизмини аниқлашдан иборат. Диссертацияда келтирилган такомиллаштирилган назарий усуллар, ҳар бир реакция механизмларининг, чиқиш каналида кузатилган маҳсулотларга қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ўта оғир ядроларни масса тақсимотида, нейтрон/протон сонларининг нисбати ва қобик эффектлари ролини ўрганишда имкон беради. Натижаларнинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, реакция натижасида снаряд ядрони нишон ядронинг олд қисмида кузатилишини изоҳлашдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кулон тўсиғига яқин бўлган энергияларда оғир ионлар ўртасидаги ўзаро таъсир динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ камраш реакциялари тўсик ости кесимининг ҳисобланган қийматлари хорижий олимлар томонидан фойдаланилган

(халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: Nuclear Physics A 994, 121662, 2020; Physical Review C 101, 014616, 2020; Physical Review C 101, 064604, 2020; Journal of Physics G: Nuclear and Particle Physics 47, 075106, 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши турли хил реакцияларда бошланғич энергиянинг потенциал тўсиқдан паст қийматлари учун камраш кесимининг тўсиқ ости қийматларини ҳисоблашга имкон берган;

$^{36}\text{S}+^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S}+^{208}\text{Pb}$ реакцияларида бўғланиш қолдиқ кесимларининг қийматлари ўртасидаги катта фарқни тушунтириш учун олинган натижалар халқаро тадқиқотчилар томонидан янги назарий ёндашувни синаб кўриш учун ишлатилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: Nuclear Physics A 994, 121662, 2020; Physical Review C 101, 014616, 2020; Physical Review C 101, 064604, 2020; Journal of Physics G: Nuclear and Particle Physics 47, 075106, 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кириш каналининг ролини кўшалок ядро системасининг эволюциясига қўшган хиссасини изоҳлашга имкон берган;

$^{78}\text{Kr}(10\text{ МэВ/нук.})+^{40}\text{Ca}$ реакциясида олд ярим шар қисмида снарядга ўхшаш маҳсулотларнинг кузатилиши учун таклиф қилинган усул чет эллик тадқиқотчилар томонидан фойдаланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: The European Physical Journal A 55, 29, 2019; Journal of Physics G: Nuclear and Particle Physics 47, 045115, 2020; Journal of Physics G: Nuclear and Particle Physics 47, 075106, 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўшалок ядро системасидан снарядга ўхшаш маҳсулотларни чиқишини ўрганиш ва шу системанинг яшаш вақтини баҳолашга имкон берган;

$^{48}\text{Ti}+^{208}\text{Pb}$ реакцияси бўлинишидаги квазибўлиниш маҳсулотлари ролини ўрганишдан олинган назарий ҳисоблашлар чет эллик тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилаётган реакцияларда масса тақсимотини ўрганишда фойдаланилган (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: Physical Review C 98, 034601, 2018; Physical Review C 98, 014606, 2018; Physical Letters B 803, 135297, 2020). Илмий натижаларнинг қўлланилиши паст энергияларда оғир ионлар ўртасидаги реакцияларда рақобатлашувчи механизмларни бир биридан ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро ва республика илмий амалий анжуманларида ва халқаро мактабларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 12 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 4 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **"Оғир ионлар тўқнашувида дастлабки босқичларнинг динамикаси"** деб номланган биринчи бобида тўқнашаётган ядроларнинг нисбий ҳаракатини тавсифлаш учун ядро-ядро ўзаро таъсир потенциали, масса ва ишқаланиш коэффицентини ҳисоблаш ишлари амалга оширилган. Ишқаланиш кучлари ядролар орасидаги нуклон алмашинуви ва уларнинг заррача-тешик қўзғалиши билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, ишқаланиш коэффиценти микроскопик усулда ҳисобланади. Тўқнашаётган ядроларнинг динамикасини ўрганиш учун нисбий ҳаракат тенгламалари олинган. Булардан фойдаланиб, $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$, $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ ва $^{78}\text{Kr} + ^{40}\text{Ca}$ реакциялари учун турли хил бошланғич энергия ва орбитал момент қийматлари учун, қамраш ва чуқур эластик бўлмаган тўқнашув траекториялари ҳисоблаб чиқилган.

Қўшалок ядро системаси (ҚЯС) модели доирасида ўзаро таъсир потенциали қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$V(R) = V_C(R) + V_N(R) + V_{rot}(R), \quad (1)$$

бу ерда $V_C(R)$, $V_N(R)$ ва $V_{rot}(R)$ Кулон, ядровий ва айланиш потенциалларидир. Реакцияда қатнашувчи ядроларнинг шакли кулон ва ядровий потенциалларни ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро таъсир потенциалидаги ядровий қисми Мигдал томонидан таклиф қилинган $f_{eff}[\rho(x)]$ эффе́ктив нуклон-нуклон кучлари орасидаги фолдинг амалёти билан ҳисобланади.

$$\begin{aligned} V_{nucl}(R) &= \int \rho_1^{(0)}(r - r_1) f_{eff}[\rho] \rho_2^{(0)}(r - r_2) d^3r, \\ f_{eff}[\rho] &= C_0 \left(f_{in} + (f_{ex} - f_{in}) \frac{\rho^{(0)} - \rho(r)}{\rho^{(0)}} \right). \end{aligned} \quad (2)$$

Бу ерда $\rho_1^{(0)}$ ва $\rho_2^{(0)}$ снаряд ва нишон ядроларидаги нуклонларнинг зичлиги; $C_0 = 300 \text{ MeV fm}^3$, $f_{in} = 0.09$, $f_{ex} = -2.59$ эффе́ктив нуклон-нуклон ўзаро таъсирининг доимийлари; $\rho = \rho_1^{(0)} + \rho_2^{(0)}$.

Тўқнашаётган ядроларнинг нисбий ҳаракати қуйидаги тенгламалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\mu(R) \frac{d\dot{R}}{dt} + \gamma_R(R) \dot{R}(t) = F(R), \quad (3)$$


$$F(R, \alpha_1, \alpha_2) = -\frac{\partial V(R, \alpha_1, \alpha_2)}{\partial R} - \dot{R}^2 \frac{\partial \mu(R)}{\partial R},$$

$$\frac{dL}{dt} = \gamma_\theta(R) R(t) (\dot{\theta} R(t) - \dot{\theta}_1 R_{1eff} - \dot{\theta}_2 R_{2eff}),$$

$$L_0 = J_R(R, \alpha_1, \alpha_2) \dot{\theta} + J_1 \dot{\theta}_1 + J_2 \dot{\theta}_2,$$

$$E_{rot} = \frac{J_R(R, \alpha_1, \alpha_2) \dot{\theta}^2}{2} + \frac{J_1 \dot{\theta}_1^2}{2} + \frac{J_2 \dot{\theta}_2^2}{2},$$

Қамраш ва чуқур ноэластик тўқнашувлар ўртасидаги фарқ шундаки, нисбий ҳаракат импульси тўлиқ берилади ёки тўлиқ берилмайди. Иккала ҳолатда ҳам ҚЯС шаклланади. Қамраб олиш учун иккита шарт бажарилиши керак: 1) масса марказидаги снаряднинг дастлабки энергияси $E_{с.м.}$ ўзаро таъсир тўсиғини енгиш учун етарлича катта бўлиши керак (Кулон тўсиғи + кириш каналининг айланиш энергияси), 2) ҚЯС ядро-ядро ўзаро таъсир потенциали қудуғига тушиб қолиши учун нисбий кинетик энергиянинг бир қисмини тарқатиши керак. Агар потенциал қудуқ бўлмаса, чуқур ноэластик тўқнашув содир бўлади.



1-расм. $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакцияси учун, $E_{с.м.} = 146.41$ МэВ энергияда чуқур ноэластик тўқнашув (а) ва қамраш (б), (с), (д) траекториялари

Биринчи ҳолда (1(а)-расм) система ядро-ядро ўзаро таъсирининг потенциал қудуғига тушмайди ва чуқур ноэластик тўқнашувлар давомийлиги, қамраш реакцияларига қараганда қисқа бўлади (1-расм (б), (с), (д)). Умумий энергия E_{tot} , ишқаланиш коэффициенти ва нуқтали чизик билан тақдим этилган $V(t)$ ўзаро таъсир потенциали туфайли камаяди. Айланиш энергияси орбитал момент L қиймати ортиши билан ортиб боради ва система потенциал тўсиқдан ўта олмайди, шу сабабли $L = 50\hbar$ дан бошлаб биз фақат чуқур ноэластик тўқнашувларни кузатамиз.

Диссертациянинг “Реакция маҳсулотларининг заряд ва масса тақсимооти” деб номланган иккинчи боби, қамрашдан кейин ҚЯС эволюцияси

пайтида мумкин бўлган каналларни тавсифлашга бағишланган. Бошқарувчи потенциални ҳисоблаш, масса ва заряд тақсимоти, квазибўлиниш билан рақобатланувчи кўшилиш эҳтимоллигини баҳолашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзаро таъсир доирасидаги ядролар орасидаги нейтрон ва протон алмашинуви жараёни системадаги масса тақсимотини ўзгаришига олиб келади. Реакция маҳсулотлари масса тақсимотининг характеристикалари, кўшалок ядро системасининг потенциал энергия юзаси (ПЭЮ), протонлар ва нейтронларнинг қобик тузилиши ва ҚЯС нинг уйғониш энергияси билан белгиланади. ПЭЮ ўзаро таъсир қилувчи ядролар орасидаги энергия баланси (Q_{gg}) ва ядро-ядро потенциал ($V(R)$) йиғиндиси орқали ҳисобланади:

$$U(Z, A, \ell, R, \alpha_1, \beta_1, \alpha_2, \beta_2) = Q_{gg} + V(Z, A, R, \ell, \alpha_1, \beta_1, \alpha_2, \beta_2), \quad (4)$$

бу ерда $Z = Z_1$ ва $A = A_1$ ҚЯС фрагментларининг заряд ва масса рақамлари, бошқа фрагментлар $Z_2 = Z_{tot} - Z_1$ ва $A_2 = A_{tot} - A_1$, бу ерда Z_{tot} ва A_{tot} реакциянинг умумий заряд ва масса сонлари; β_i - ядроларнинг деформация параметрлари ва α_i - снаряд йўналишига нисбатан ядроларнинг бурчаклари; Q_{gg} - таркибий ядронинг уйғониш энергиясини аниқлаш учун ишлатиладиган реакция энергия баланси: $Q_{gg} = B_1 + B_2 - B_{CN}$.

$U_{dr}(Z, A, \ell, R_m, \alpha_1, \beta_1, \alpha_2, \beta_2) \equiv U_{dr}(Z, A, \ell)$ бошқарувчи потенциал бўлиб, у ҳар бир заряд қиймати Z учун, потенциал қудуқларнинг минимал қийматлари билан аниқланади. Ўзаро таъсир потенциалининг минимал қийматига мос келадиган нисбий масофа R_m билан белгиланади. $U_{dr}(Z, A, \ell)$ қийматлари орбитал моментнинг функцияси сифатида бўлиб, ПЭЮ ҳисоб маълумотларидан қуйидагича топилади:

$$U_{dr}(Z, A, \ell) = Q_{gg} + V(Z, A, \ell, R_m, \alpha_1, \beta_1, \alpha_2, \beta_2). \quad (5)$$

Ядролардан биттасининг заряди Z ва масса сони A бўлган ҚЯС нинг уйғониш энергияси реакцияда қатнашувчи снаряд энергияси $E_{c.m.}$ ва реакция заряд-ассиметрия конфигурацияси $(Z, Z_{tot} - Z)$ орқали қуйидагича ҳисобланади:

$$E_Z^* = E_{c.m.} - V(Z, R_m) + \Delta Q_{gg}(Z), \quad (6)$$

бу ерда $Z_{tot} = Z_1 + Z_2$; $E_{c.m.}$ - масса маркази системасидаги тўқнашув энергияси; $V(Z, R_m)$ - ядро-ядро потенциал қудуғининг $R = R_m$ даги минимал қиймати; $\Delta Q_{gg}(Z)$ - ҚЯС заряд ассиметриясининг ўзгаришида Q_{gg} - қийматининг ўзгариши. Масса ва заряд рақамлари A ва Z бўлган ядроларнинг, ҚЯС нинг t_{int} яшаш вақтидан кейин чиқиш эҳтимоллиги қуйидагича ҳисобланади.

$$Y_{A,Z}(E_Z^*(A), \ell, t_{int}) = \int_0^{t_{int}} P_{A,Z}(E_Z^*(A), \ell, t) \Lambda_{A,Z}^{qf} dt, \quad (7)$$

бу ерда $P_{A,Z}(E_Z^*(A), \ell, t)$ - (Z, A) конфигурацияли ҚЯСнинг уйғониш энергияси E_Z^* , орбитал моменти ℓ билан вақтнинг берилган t қийматида ҳосил бўлиш эҳтимоллиги. Λ_Z^{qf} - ҚЯСнинг заряд рақамлари Z ва $Z_{CN} - Z$ бўлган иккита бўлакка парчаланиш эҳтимолиги. Бу катталиқ ўзаро таъсир потенциалидаги квазибўлиниш тўсиғига тескари боғланган бўлиб, B_{qf} квазибўлиниш тўсиғини камайтириш билан ортади; $P_{A,Z}(E_Z^*(A), \ell, t)$ эса, транспорт мастер тенгламасини ечиш билан ҳисобланади,

$$\frac{\partial}{\partial t} P_K(E_K^*, \ell, t) = \Delta_{K+1}^{(-)} P_{K+1}(E_{K+1}^*, \ell, t) + \Delta_{K-1}^{(+)} P_{K-1}(E_{K-1}^*, \ell, t) - \quad (8)$$

$$\left(\Delta_K^{(-)} + \Delta_K^{(+)} + \Lambda_K^{qf} \right) P_K(E_K^*, \ell, t)$$


Кўп нуклонли ўтиш коэффициентлари қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta_K^{(\pm)}(A) = \frac{4}{\Delta t} \sum_{i_P, j_T} |g_{i_P j_T}^{(K)}(A)|^2 \times n_{j_T, i_P}^{(K)}(A, t) (1 - n_{i_P, j_T}^{(K)}(A, t)) \quad (9)$$

$$\times \frac{\sin^2[\Delta t(\tilde{\varepsilon}_{i_P}^{(K)}(A) - \tilde{\varepsilon}_{j_T}^{(K)}(A))/2\hbar]}{(\tilde{\varepsilon}_{i_P}^{(K)}(A) - \tilde{\varepsilon}_{j_T}^{(K)}(A))^2},$$

бу ерда $g_{i_P j_T}^{(K)}(A)$ матрица элементи бўлиб, битта нуклонни ҚЯС ташкил этувчи "P" ядронинг "i_P" сатҳи билан "T" ядронинг "j_T" сатҳи орасида алмашинувини тавсифлайди (протон алмашинуви учун $K = P$ ва нейтрон алмашинуви учун $K = N$) ва уларнинг қийматлари микроскопик усул билан ҳисобланади. $\tilde{\varepsilon}_{i_P}^{(K)}$ ва $n_{i_P}^{(K)}$ "P" ядронинг ўртача майдони учун ҳисобланган бир заррали энергия схемасининг мос равишда "i_P" сатҳи энергияси ва унинг бандлик сони. $\Delta_K^{(-)}$ ва $\Delta_K^{(+)}$ ўтиш коэффициентларининг ядролар массаси ва заряд сонларига боғлиқлиги туфайли, нейтрон ва протон тақсимотлари P_Z ва P_N ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий тенгламалари параллел равишда Δt вақт қадами билан ечилган. Протон ва нейтронларнинг бир ядродан бошқа ядрога ўтиши бир вақтнинг ўзида, аммо ҳар хил эҳтимолликлар билан амалга ошиши аниқ. "P" ва "T" ҳарфлари ҚЯС-нинг мос равишда снарядга (энгил) ва нишон (оғир) бўлаклардаги нуклонларнинг битта заррача ҳолатларини кўрсатиш учун ишлатилади.


Квазибўлиниш маҳсулотларининг $^{78}\text{Kr} (E/A = 10 \text{ MeV}) + ^{40}\text{Ca}$ реакция маҳсулотларини ҳосил бўлишига қўшган ҳиссаси (7) тенгламани рақамли усул ёрадида ечиш билан баҳоланди.



2-расм. $E_{lab} = 10$ MeV/A энергияда $^{78}\text{Kr} + ^{40}\text{Ca}$ реакцияси учун ҳисобланган квазибўлиниш ва қўшилиш-бўлиниш маҳсулотларида масса (заряд) тақсимооти


2-расмда орбитал моментнинг $L < 60\hbar$ қиймати билан тўқнашувларда квазибўлиниш маҳсулотларида заряд ва масса тақсимооти энгил ядро учун $Z_L = 18$ ва $A_L = 38$ атрофида, оғир ядро учун эса $Z_H = 38$ ва $A_L = 78$ атрофида йиғилганлиги аниқ кўриниб турибди. Заряд тақсимоотининг шакли, нейтронлар сони $N = 20$ ва 40 га тенг бўлган ядро ёпиқ қобиғининг таъсирининг намоён этади. Нуклонларнинг ўтиш коэффициентларининг ҚЯС ядроларидаги битта заррачали энергияларга бевосита боғлиқлиги ва тўқнашув энергиясининг анча қисмини (тахминан 40 МэВ) ҚЯС айланиш энергияси кўринишида қолиши бирламчи маҳсулотларнинг заряд тақсимоотини тасвирловчи чизиқлардаги қобиқ эффектларининг сақланиб қолишининг сабабларидир. Энгил ядролардаги энергия сатҳлари орасидаги бўшлиқлар катта ядроларга қараганда катта ва бу қобиқ эффектлари пайдо бўлишига ёрдам беради. Квазибўлиниш жараёнларида заряд ва масса тақсимоотларининг шакли орбитал моментга боғлиқдир. $60\hbar < L < 70\hbar$ оралиқда бўлган тўқнашувларда, квазибўлиниш маҳсулотларининг тақсимооти қўшилиш-бўлиниш маҳсулотлари заряд ва масса тақсимоотларига ўхшаб спектрнинг симметрик массали қисмига қараб чўзилади.

3-расмда назарий ҳисобланган масса тақсимоотини экспериментал натижалар билан таққосланиши кўрсатилган [Meenu Thakur, *et.al.*, EPJA 53:133 (2017)].



3-расм. ^{48}Ti ($E = 273.1$ МэВ) + ^{208}Pb реакцияси учун квазибўлиниш (қизил чизик) ва қўшилиш-бўлиниш (кўк чизик) маҳсулотларини назарий баҳолаш натижалари

Назарий ҳисобланган реакция маҳсулотларининг чиқиши шуни кўрсатадики, 64-сонли масса яқинида квазибўлиниш ва қўшилиш-бўлиниш маҳсулотларининг масса тақсимотлари устма-уст тушган. Ушбу пик Fe ва Ni изотопларининг $N = 38$ ва 40 нейтрон рақамлари билан ҳосил бўлишига боғлиқ.




4-расм. ҚЯС эволюциясининг мувозанатда бўлмаган бошланғич босқичи учун $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ (қизил) ва $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ (кўк) реакцияларига протон сонининг функцияси сифатида ҳисобланган снаряд ядродаги масса тақсимоти. Система мувозанат ҳолатига келганда, иккала реакциянинг масса тақсимотлари устма-уст тушади

ҚЯС эволюциясининг маълум яшаш вақтидаги масса ва заряд тақсимотлари орасидаги фарқ, тўқнашувда қатнашувчи ядроларнинг нейтрон ва протонлар сонининг бошланғич N/Z - нисбатига боғлиқ, чунки нуклон алмашилишини келтириб чиқарадиган ўтиш коэффициентлари бир хил зарядга эга ядроларнинг нейтронлар билан фарқланадиган изотоплар учун ҳар хилдир. Ҳар хил бошланғич нейтрон рақамларига эга $N = 18$ (^{34}S) ва $N = 20$ (^{36}S) бўлган ядролар қатнашган реакцияларда қамраб олиш пайтида ҳосил бўлган ҚЯС бўлаклари орасидаги протон ва нейтронлар нисбати N/Z нинг вақт бўйича ўзгариши транспорт мастер тенгламаларини ечиш йўли билан аниқланган.

Натижада, ҚЯС фрагментларининг ўзаро таъсир давомидаги дастлабки мувозанатда бўлмаган босқичида $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциясидаги снарядга ўхшаш қисмда N/Z – нисбат қиймати энг каттадир. Бу эса, ушбу иккита реакция учун ҳисобланган потенциал энергия юзасидан олинувчи ҳаракатлантирувчи потенциал ва ландшафт шаклини таққослашда сезилади. $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциясида ҳосил бўлган снарядга ўхшаш нейтронга бой бўлакка эга бўлган ҚЯСда ички қўшилиш тўсиқ катталиги пастроқдир. $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ ва $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциялари учун масса ва заряд алмашинувидаги фарқ, бу реакцияларда қўшилиш эҳтимоллигидаги фарқни пайдо бўлишига олиб келади.


$^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциясида ҳосил бўлган ҚЯС нинг снарядга ўхшаш қисми, $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакциянинг шундай қисми билан таққосланганда, кўпроқ нейтронга эга эканлиги 4-расмдан кўриниб турибди. Натижада биринчи реакцияда ядроларнинг қўшилиш эҳтимоллиги катта бўлади. Бўлаклар орасидаги нейтронларнинг мувозанат ҳолатдаги тақсимоли, ҚЯС қисмларига масса сонларининг функцияси сифатида ПЭЮнинг минимал қийматларига мос келувчи масса катталиклари олинган (4-расмдаги қора чизиқ). ҚЯС мувозанатда бўлмаган ҳолат учун ҳисобланган снарядга ўхшаш қисмдаги нейтрон тақсимоли шу системанинг $t_{int} = 6 \cdot 10^{-22}$ яшаш вақти учун олинган.

ПЭЮни ҳисоблаш учун заряд рақами Z ва унга мос келадиган масса A натижаларидан фойдаланилади, бу эса бизга P_{CN} қўшилиш эҳтимоллигини ҚЯС ядроларининг масса ва заряд асимметрияси функцияси сифатида ҳисоблаш имконини беради. $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакциясида $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциясига нисбатан тўлиқ қўшилиш тўсиғи ортиши, ядро марказлараро масофаси функцияси ва уларнинг масса-зарядлари орасидаги ўзгаришга боғлиқ равишда ҳисобланган ПЭЮни таққослаш натижасида кўринади. 5-расмдаги иккала ПЭЮ орасидаги фарқ (7) тенгламани ечишда, иккала система учун олинган ҳар хил масса сонларидан фойдаланиш туфайли пайдо бўлади. 5-расмдан кўриниб турибдики, потенциал юза $Z = 13$ ва $R = 13.5$ фм га мос келувчи қийматларда ички қўшилиш тўсиқ B_{fus}^* га тўғри келувчи максимал қийматга эга.



5-расм. $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ ва $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакцияларидаги ҚЯС бўлаклари орасидаги нейтронлар тақсимотининг мувозанатга етмаган ҳолати учун ҳисобланган ПЭЮнинг контур кўриниши. ПЭЮдаги юлдузлар бошланғич заряд рақамини ва ядролараро масофани тавсифлайди

Ушбу тўсиқ $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакция ҳолатида тўлиқ қўшилиш тўсиғи бўлиб кўринади ва унинг қиймати $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакцияси учун ҳисобланган ички қўшилиш тўсиқ катталигидан анча юқори. 6-расмдан кўриниб турибдики,



6-расм. Битта ^{242}Cf таркибий ядрога олиб келувчи икки реакция учун заряд сони функцияси сифатида ҳисобланган бошқарув потенциали

$^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакцияси учун ҳисобланган бошқарув потенциали (кўк чизик) заряд рақами $Z = 13$ бўлган бўлак учун кескин кўтарилади. $Z = 16$ кириш каналига мос келадиган ҳаракатланиш потенциалнинг қиймати $Z \rightarrow 0$ қўшилиш йўналишидаги $Z = 13$ бўлган максимал қийматдан пастроқдир. Ички қўшилиш тўсиғи $B_{fus}^*(Z, A, \ell)$, ҳаракатланиш потенциалнинг $Z = 0$ ва

$Z = Z_P$ орасидаги бошланғич заряд қиймати ўртасидаги фарқ орқали аниқланади,

$$B_{fus}^*(Z, A, \ell) = U_{dr}(Z_{max}, A_{max}, \ell) - U_{dr}(Z_P, A_P, \ell). \quad (10)$$

Диссертациянинг **“Оғир ионларнинг тўқнашувларидаги қамраб олиш, тўлиқ қўшилиш, квазибўлиниш ва бўғланиш қолдиқлари жараёнларининг кесимлари”** деб номланган учинчи боби, ҳар бир канал учун тўқнашувлар пайтида рақобатлашадиган каналлар эҳтимолликларини ҳисоблаш усулини акс эттиради. $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакциялари учун олинган натижалар, GSI (Дармштадт, Германия) ва JAEA (Токай, Япония) да олинган экспериментал маълумотлар билан таққосланган.

Қамраб олиш кесим катталигининг назарий қийматлари кириш каналини тавсифловчи катталиклар билан ҳисобланади:

$$\sigma_{cap}(E_{c.m.}) = \frac{\lambda^2}{4\pi} \sum_{\ell=0}^{\ell_d} (2\ell + 1) \mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}), \quad (11)$$

бу ерда $\mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.})$ - $E_{c.m.}$ тўқнашув энергияси ва $L = \hbar\ell$ орбитал момент эга снаряд ядрони нишон ядро томонидан қамраб олиш эҳтимоллиги; $\lambda = \hbar/\sqrt{2\mu E_{c.m.}}$; $\mu = A_1 A_2 / (A_1 + A_2)$ – ҚЯСнинг келтирилган массаси.

Парциал қамраб олиш кесими $\sigma_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\})$ қамраб олиш $\mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\})$ эҳтимоллиги, яъни нисбий кинетик энергиянинг ютилиб кетишини тасвирловчи эгри чизигининг ядро-ядро ўзаро таъсир потенциал кудуғига тушиб қолишини ҳисоблаш йўли билан аниқланади:

$$\sigma_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) = \frac{\lambda^2}{4\pi} (2\ell + 1) \mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}). \quad (12)$$

Бу ерда λ - кириш каналининг де-Бройл тўлқин узунлиги. Классик ҳаракат тенгламаси билан ҳисобланган $\mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\})$, қамраб олиш эҳтимоли берилган бошланғич энергия ва орбитал момент учун 1 ёки 0 га тенг бўлиши мумкин. $E_{c.m.}$ энергиясига боғлиқ равишда, орбитал момент функцияси сифатида қамраб олиш учун ℓ -оралиқ ($\ell_m < \ell < \ell_d$) мавжуддир:

$$\mathcal{P}_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) = \begin{cases} 1, & \text{if } \ell_m < \ell < \ell_d \text{ and} \\ & E_{c.m.} > V_B, \\ 0, & \text{if } \ell < \ell_m \text{ or } \ell > \ell_d \text{ and} \\ & E_{c.m.} > V_B, \\ \mathcal{P}_{WKB}^{(\ell)}, & \text{for all } \ell \text{ if } E_{c.m.} \leq V_B, \end{cases} \quad (13)$$

бу ерда, ℓ_m ва ℓ_d - бу тўқнашув энергиясида қамраб олишга олиб келадиган орбитал моментнинг минимал ва максимал қийматлари; V_B - кириш каналидаги ядро-ядро потенциалнинг тўсиқ қиймати; $\mathcal{P}_{WKB}^{(\ell)}$ - тўсиқ орқали қамраш эҳтимоли. Унинг қиймати, ВКБ яқинлашуvidан фойдаланиб олинган формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{P}_{WKB}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) = \exp \left[-2 \int_{R_{in}}^{R_{out}} k(R, \ell, \{\beta_i\}) dR \right], \quad (14)$$

бу ерда

$$k(R, \ell, \{\beta_i\}) = \sqrt{\frac{2\mu}{\hbar^2} (V(R, \ell, \{\beta_i\}) - E_{c.m.})}. \quad (15)$$

R_{in} ва R_{out} ички ва ташқи бурилиш нуқталари бўлиб, улар $V(R) = E_{c.m.}$ билан баҳоланган. $\ell < \ell_m$ оралиқда қамрашнинг йўқлиги, $E_{c.m.}$ дан бошланган нисбий энергия эгри чизиғини потенциал қудуққа тушиб қолмаганлигини англатади. Қамрашга ҳисса қўшадиган парциал тўлқинлар сони бир вақтнинг ўзида радиал ва орбитал ҳаракатлар учун (3) тенглама системасини ечиш билан ҳисобланади.

Уйғонган ҳолатдаги ҚЯС яшаш вақти давомида шу системани ташкил этувчи иккита ядро ўртасида нуклонлар алмашинуви билан ривожланади. Ҳар бир ҳолат учун реакциянинг ушбу босқичида ҚЯС деформацияланган моноядро шаклига ўтиши ёки тўлиқ қамраш босқичига ўтгунча икки бўлакка (квазибўлиниш) ажралиши мумкин. Биринчи ҳолда, ядро тизими таркибий ядронинг статистик мувозанат шаклига етиши керак, аммо барқарорликни таъминлаш учун тўсиқ бўлмагани учун ($B_f = 0$, $\ell > \ell_f$ учун), деформацияланган моноядрога мос келадиган ҳодисалар таркибий ядро шаклига ета олмайди ва деформацияланган моноядро дарҳол иккита бўлакка ажралади (тез бўлиниш жараёни). Шунинг учун парциал қамраш кесимида куйидаги ҳадлар ўз ҳиссасини қўшади:


$$\sigma_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) = \sigma_{qf}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) + \sigma_{fus}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) + \sigma_{ff}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}). \quad (16)$$

Турли хил уйғониш энергиялари учун парциал қўшилиш кесими, $\sigma_{cap}^{(\ell)}(E_{CN}^*, \{\beta_i\})$ қамраш кесим ва ҚЯС нинг қўшилиш эҳтимолиги P_{CN} кўпайтмаси билан куйидагича аниқланади:

$$\sigma_{fus}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}) = P_{CN}(E_{c.m.}, \ell, \{\beta_i\}) \sigma_{cap}^{(\ell)}(E_{c.m.}, \{\beta_i\}), \quad (17)$$


$P_{CN}(E_{c.m.}, \ell, \{\beta_i\})$ қўшилиш эҳтимолиги, ҚЯС нинг Z_{sym} заряд симметрик конфигурациясидан Z_{max} ҳаракатланув потенциалнинг максимал қийматига мос келадиган конфигурацияга қадар тўлиқ қўшилиш эҳтимоликларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади:

$$P_{CN}(E_{c.m.}, \ell, \{\beta_i\}) = \sum_{Z_{sym}}^{Z_{max}} P_Z(E_Z^*, \ell) P_{CN}^{(Z)}(E_Z^*, \ell, \{\beta_i\}). \quad (18)$$



7-расм. $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ (қизил чизик) ва $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ (кўк узук чизик) реакциялари учун ҳисобланган қўшилиш эҳтимоллиги P_{CN}

$^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ ва $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакциялари учун ҳисобланган қўшилиш эҳтимолликларини P_{CN} натижалари 7-расмда келтирилган. $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ реакциясининг тўлиқ қўшилиш эҳтимоллиги $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ реакциясидагидан катта эканлиги кўриниб турибди.



8-расм. Таркибий ядронинг турли хил уйғониш энергияларида $^{36}\text{S} + ^{206}\text{Pb}$ (қизил) ва $^{34}\text{S} + ^{208}\text{Pb}$ (қора) реакциялар учун ҳисобланган бурчак моментига боғлиқ равишда ҳисобланган қўшилишнинг парциал кесимлари

